

УДК: 65.015:37.022

ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Батирова Ф.К. – ўқитувчи,
Ахмедов А.К.- асистент,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Ушбу мақолада инновацион таълим технологиялари ва уларнинг педагогик асослари ўрганилиб, ўкув жараёнида замонавий-интерфаол ўқитиш усулларидан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар билимларини мустаҳкамлашда кўпланиладиган инновацион технологияларнинг самарали қўллаш услублари таҳлил қилинган.

Таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш таълим олувчиларнинг мустаҳкам назарий билим, кўникма ва ма-лакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланисини таъминлаш мақсадида, ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Abstract

This paper analyzed by the effective application of innovative pedagogic technologies used to strengthen students' knowledge of students in higher educational institutions. And their importances in the formation of practical skills of students are investigated in the learning process.

Аннотация

В данной статье описывается исследование инновационных образовательных технологий и педагогических принципов, эффективное использование современных интерактивных методов обучения в учебном процессе. Проанализированы эффективные методы инновационных технологий в укреплении знаний студентов, обучающихся в высших учебных заведениях.

Формирование устойчивых теоретических знаний, профессиональных навыков повышает эффективность образовательного процесса, с этой целью разработаны предложения и рекомендации по новым педагогическим технологиям в учебном процессе.

КИРИШ. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га асосан олий ўкув юртлари ва касб-хунар таълим мини баш қариш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Олий таълим муассасалари ва касб-хунар таълим мини ривожланиши уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тобора бир-бирига яқинлаштириб, уларни бирлаштиримоқда.

Олий ва касб-хунар таълим мини баш қаришда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялашда ягона давлат сиёсатини алмал ошириш ўз самарасини бермоқда[1].

“Таълим жараёнини ихтиёрий қуриш ва алмал оширишдан, унинг ҳар бир қисм ва босқичларини изчил асосланган, якуний натижани ҳаққоний ташхислашга йўналтирилган” га ўтиш учун асос зарур [2].

Бу барча давлат ва жамоат ташкилотларининг вазифаси энг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасалари фаолияти мазмунини тубдан, қайтадан кўриб чиқишни тақозо этадиган мураккаб жараёндир. Ижтимоий амалиёт, жамоатчилик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги эркин шахсни шакллантиришининг асосини ташкил этади. Таълим жараёнини модернизациялаш ҳамда моддий техника базасини яхшилаш, жамиятни маънавий янгилаш биринчи навбатда, ёш авлод анъаналари инсонпарварлик ва демократик қадриятларни сингдириш орқали таъминланади. Буларнинг барчаси ёш кадрларни тайёрлаш ва ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Шу ўринда машҳур маркетолог Дж. О’Шонессининг “...

китоблар ҳеч қачон тажриба ўрнини боса олмайди” деган фикрига кўшилиш мумкин. Маҳоратли ошпазлик тўғрисида китоб ёзиши мумкин, уни тайёрлаш йўлига амал қилиб, худди шундай чиқишини кутмаслик керак, чунки унинг маҳорати билан таққослаб бўлмайди – берилган қоидани ишлатиб мухим кўникма ва малакалар эга бўлиш мумкин эмас, улар фақат амалиётда эгалланади ва “кўпланиладиган донишмандлик” деб аталувчи донишмандлик билан мустаҳкамланади, яъни вазият билан мувофиқлиқдаги донишмандликдир” [3].

МУЛОҲАЗА ВА МУҲОКАМА. Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимнга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурития қуидагилар билан ўлчанади:

1. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгилини узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидағи ўкув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

2. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интелектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

3. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Дарҳақиқат, таълимнга инновацион (инглизча innovation - янгилик киритиш) ёндашув ғояси таълим мазмуни ва натижаларининг шахсга йўналганлиги, таълим мазмуни,

шакл, метод ва воситаларини фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари, илғор тажрибалар, замонавий методикалар билан уйғунлаштиришга қаратилганлиги билан анъанавий ёндаувдан фарқ қиласди [4].

Бунинг учун, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги барча университетларни, касб-хунар коллекларини, лицейларини, билим юртларини бошқариш ва ривожлантириш белгиланган тартибида юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик шахсларни ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин бўлган ҳамда халқаро стандартлар асосида таълимни ташкил этиш, бошқариш ва мос равишда ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш талаб этилади.

Олий таълим муассасалари ва касб-хунар таълимига оид ишларни бошқариш қўидан юқоригача олдиндан режалаштирилиб, таълимининг барча соҳаларидаги иш жараёни билан уйғунлашиб, барча ўқув-тарбия муассасаларининг иш мазмуни белгиланади. Бошқариш жараёнида турли инновацион усуспарлардан кенг фойдаланилади. Ўқув-тарбия жараёнида инновацион технологиянинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талабалардан кўпроқ мустақилларни, ижодий ва иродавий сифатларини шаклланишини, ўтказилган машғулотлар эса ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришга имкон яратиб, уларнинг мустақил фикрлашларини талаб этади.

Хозирги вақтда “педагогик технология таълим беришнинг техник воситалари ёки компьютердан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмай, балки бу таълими самарадорликни оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли орқали, йўл ва материалларни тузиш ҳамда кўллаш, шунингдек қўлланилаётган усуспарни баҳолаш орқали таълим жараёни тамоилларини аниқлаш ва энг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотидир”[5].

Хозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидағи муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирган, бу ахборотларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Бу борада касб-хунар таълимида инновацион технологияларнинг бошқариш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти бекёёсdir.

Инновацион технологиялар педагогик жараён, ҳамда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ижодий фаолиятига янгилик, ўзгартишлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуспарлардан фойдаланилади, чунки таълимда бошқарув ролини ўқитувчи бажаради.

Интерфаол таълим технологияларини амалга ошириш қўйидаги шаклларда амалга оширилади: индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоа билан ишлаш[6].

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим технологиялари ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга эришиш мумкин. Энг муҳими, интерфаол таълим технологияларини кўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аниқ мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка

асосланган ҳаракатларини ташкил этади. Шунингдек, талабаларни муайян билимлар соҳасини эгаллашга йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали уларнинг билим ва кўнімларини холис баҳолаш имконини беради. Шу боис интерфаол таълим технологияларидан ўқитиш жараёнида кўллаш натижасида:

- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизишини ўйғотади;

- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;

- ҳар бир талабанинг рухиятига ижобий таъсир кўрсатади;

- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун кулаги шароит яратади;

- талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;

- талабаларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни ўйғотади;

- талабаларда ҳаётий зарур кўнімма, малакаларни шакллантиради;

- талабаларнинг хулқ-авторини ижобий томонга ўзгарилишини таъминлайди.

МЕТОДОЛОГИЯ. Ҳозирги кунда интерфаол таълим технологияларидан оммавийлари қуидагилар саналади: интерфаол методлар (“Кейс-стади”, “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сұхбат”, “Мусобақа-беллашув” ва б.); стратегиялар (“Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёрап”, “Ротация”, “Т-жадвал” ва х.к.); график организерлар (“Балик скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Нилуфар гули”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?”) ва бошқалар.

Биз юқорида педагогик жараёnlарнинг амал қилиниши шарт бўлган уч турдаги методологик асоси ҳақида қисқача тўхтадлик. Ўқув жараёнида ҳар бир ўқитувчи (педагог, тьютор), ушбу уч методик асоснинг барчасига бирдай амал қилиши шарт. Шундагина улар кутилган натижани бериши мумкин.

Юқоридаги ҳар бир методика учун умумий хусусиятга эга бўлган ўзига хос томонларини ўзаро боғлиқлида таҳлил қиласди. Бунда интерфаол усуспардан бири - “Мусобақа-беллашув” методини бошқа услублар билан боғлаб машғулотларни ташкил этишнинг назарий ва амалий аҳамиятини мисоллар орқали ифодалаймиз. “Мусобақа-беллашув”усули ёрдамида дарсларни ташкил этиш кўп ийлардан бери таълимда кенг қўлланилиб келинади. Бу усул талабаларнинг қизишишини ва фаоллигини оширади, унга тайёргарлик кўриш учун талабалар олдиндан огоҳлантирилади ва мавзу эълон қилинади. Талабалар гурухи икки кичик гуруҳчаларга бўлинади, уларнинг ҳар бир мавзу бўйича саволлар тайёрлаб келиши лозим. Семинар бошида талабалар мусобақа шартлари билан таништирилади. Бунда фақат жавоблар учун эмас, балки саволларни тўғри ва аниқлиги учун, қўшимча ва тузатишлар учун ҳам маълум баллар белгиланади. Гуруҳ талабаларнинг барчаси фаол қатнашишлари учун эса минус баллар ҳам кўрсатилиши мумкин, масалан, -3 дан +3 гача нотўғри жавоблар ва саволлар учун балларни айириш усули ишлатилиши мумкин. Мусобақа давомида тўплланган баллар ёзib борилиши ёки “саватчага” йиғилиши мумкин. Семинар охрида ғолиб гуруҳ қатнашичилари қўшимча баллар билан рағбатланиши мумкин. Педагог (тьютор) таълим жараёнини хушёр ва синчковлик билан кузатиб жавобларни эшитиши ҳамда ҳар бир талабага баҳо қўйиб бориши лозим. Бу усул билимларни янада мустаҳкамроқ эгалланишига,

нутқ маданиятини ошишига, саволларни тўғри тузилишига, ўз фикрини баён этишга ўргатади. Энг муҳими эса, талабаларда мустақил билимларни эгаллаш, янгиликларни қидириш, мавзуга ижодий ёндашиш хусусиятлари ошади. Ўрганилаётган мавзу ҳар томонлама таҳлил этилади ва ҳаётий жараёнлар билан боғланади.

Мазкур методикани қўллаш жараёнида педагогдан талабаларни мақсадсари тўғри йўналтириш талаб этилади. Бунда тьюторталабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали усул “Ақлий ҳужум” методидир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради, ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талабалар ўз жавобларини қофоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар, жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулокот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласди.

“Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзib борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва ҳужум давомида улар тақиқд қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугағач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий ҳужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошлангич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни тақорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда – мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий ҳужум» методи қўлланилганда қўйидаги босқичлар, узвий боғланган ҳолда – кетма-кетлиқда амалга оширилади. Яъни,

«Ақлий ҳужум» методининг маркибий тузилмаси



1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришлари сўралади;

2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (аудио ва видео кўрнишида ёзib олиш, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

Машғулотлар давомида талабалар билан ишлашда ўзида хос қулайлик ва авфзаликларга эга. Жумладан, “Ақлий ҳужум” методини қўллашжараёнида натижалар баҳоланмаслиги талабаларнинг турли фикр-ғояларни эркин баён этишига олиб келади ҳамда талабаларнинг барчаси иштирок этади. Шунингдек, талабаларнинг фикр ва ғоялар визуаллаштирилиб, бошлангич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд бўлади ва талабаларда мавзуга бўлган қизиқишлиарни шакллантириш ўйғотиш мумкин. “Ақлий ҳужум” методини қўллашнинг авфзаликлиари билан бирга камчиликлари ҳам мавжуд. Чунончи, ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўйилмаслик ҳолати, баҳолаш мезонларининг ўйқлиги ва талабалар фикрини юқори даражада эшишиш қобилиятининг талаб этилиши ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин.

Таълимни ташкил этишдаги кейинги усул олдинги методлар билан бирга яъни, бир-бирини тўлдирувчи сифатида умумий методологияни ташкил этади, ҳамда талабалар тушуниш, билим ва кўнгималарни ўзида шакллантиради. Айниқса инновацион технологияга оид дидактик ўйинларни ташкил этиш, ўқитиш самарадорлигини оширади. Педагогика фанида дидактик ўйинларни концепцияси ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган, шунинг учун ҳам унга турли хил таърифлар берилади. Бу ҳол дидактик ўйинларни ишлаб чиқиш ва оммалаштириш ишини қийинлаштиради. Лекин шунга қарамасдан ҳозир ўкув жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиш оммалашиб бормоқда ва уни бошқариш мураккаблашмоқда. Чунки бу метод ўзининг кўпгина ижобий томонларига эга ва бир вақтнинг ўзида бир неча иш бажарилади:

-эгалланган билимларни текшириш;

-янги билимларни эгаллаш ва амалиётда текшириб кўриш;

-касбий тайёргарлик (малака, кўникма ҳосил қилиш).

Инновацион технологияга оид дидактик ўйинлар ҳаётий воқеийликка энг яқин келувчи метод бўлиб ҳисобланади ва у кўпроқ амалий аҳамиятга эгадир. Дидактик ўйинларни олийгоҳларда ташкил этиш ва қўллашда қўйидаги психологик ва педагогик принципларга амал қилган ҳолда йўлга қўйиш лозим:

-ишлаб чиқаришдаги реал вазиятмоделини кўчириш ва ишлаб чиқариш динамикасини ҳисобга олиш;

-ишлаб чиқариш жараёнини ривожланиш, доимий ўзгариш характеристига эга эканлигини яхши биламиз. Ана шу ўзгарувчанлик ва динамик ривожланишиш билармон ўйинларни ташкилэтиш жараёнида албатта ҳисобга олини-

мо ва унинг мазмунини ёритишига имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

Талабаларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантикий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳпил қилиш кўникмаларини шакллантирувчи технологияни кўллаш куйидаги тартибида амалга оширилади [7]:

хал этиладиган масала аниклаштирилади
Талабалар топширик мазмуни ва уни ечиш шартлари билан таништирилади
Талабалар кичик гурӯҳ (ёки жуфтлик)ларга бириттирилади
Гурӯҳ ёки жуфтлик аъзолари марказий тўртбурчак (квадрат, айланада) асосий муаммо (гоя, вазифа)ни қайд этади
Гурӯҳ (жуфтлик)лар масаланинг ечими юзасидан фикр юритиб, марказий тўртбурчак (квадрат, айланада) атрофида саккизта шундай кўшимча чизмаларни хосил килади (уларда масаланинг хусусий ечимлари баён этилади)
кўшимча чизмалардаги гоялар гулнинг “гульбарглар и”га, яъни шундай алокида мажмууга олиб чиқади (уларнинг ҳар биря яна бир муаммо кўринини олади)
Ёрдамчи чизмалардаги етакчи муаммо (гоя, вазифа) атрофидаги “гульбарглар”да хусусий масала ва ечимлар акс эттирилади
Ўрганилаётган масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, бу жараён бир неча бор тақрорланиши мумкин
ҳар бир гурӯҳ ёки жуфтликлар топширик юзасидан ўз ечимларини тақдимот тарзида баён этади
Гурухларнинг ечимлари мухокама килиниб, энг тўғри вариант аникланади
Ўқитувчи ҳар бир гурӯҳ ишига баҳо бериб, машғулотни якунлайди

ши талаб этилади.

Касбий фаолиятни мазмунини ва шаклини ҳисобга олиш. Олий таълимнинг энг асосий вазифаларидан бири юқори малакали кадрларни етказишdir, шу вазифани бажарish учун ҳар бир педагог таълимни бошқаришда ихтиносослик бўйича ўзига хос бўлган ишбилармон ўйинларни ишлаб чиқишимиз зарур.

Касб-хунар таълимимда ўз касбига садоқатли бўлиш ва жамоа бўлиб ишлашда ўз касб-хунарига хурмат ва қизиқиш билан иш бажаришига ўргатиш. Бугунги талаба эртага ишчи жамоасига кўшилар экан, у жамоанинг бир қисми сифатида маълум бир функцияни бажаради, шу жамоанинг бошқа аъзолари билан биргалиқда умумий ишни олиб боради. Шунинг учун жамоа бўлиб иш бажаришни ўрганиш қанчалик зарур бўлса, педагогик бошқарув сирларини ўрганиш ҳам янги касб-хунар эгаси учун жуда муҳим.

Мисол сифатида “Нилуфар гули” технологиясидидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўқизита “гульбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар) ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муам-

ман жавоб берган талабаларга +1 балл билан баҳоланди. Амалий машғулот давомида суст қатнашган талабаларга -1 балл жарима, саволларга жавоб бермаган талабаларга -2 ва -3 балл жарималар берилди. Дарс бошланишида барча талабалар фаол иштирок этиб балларга эга бўлишиди, икки нафар талаба суст қатнашгани учун -1 балл жарима билан мукофотланди ва “баҳолар савати”га барча талабаларнинг тўплаган баллари белгилаб кўйилди.

Янги мавзуни тушунтиришда анги ўзлаштирилмаган билимларга оид бир нечта саволлар билан талабаларга мурожаат этиб, уларнинг фиклари тингланди (“Ақлий хужум” методи). Талабаларга куйидаги саволлар кетма-кетлика берилди.

Биринчи савол: Ялпи ички маҳсулот билан ЯМДни фарқи нимада?

Иккинчи савол: Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг қандай усусларини биласиз?

Учинчи савол: Мамлакатимизда жорий йилда ишлаб чиқарилган ва жами кўрсатилган хизматлар ҳажми қанча?

Берилган саволларга талабалар “Иқтисодиёт назаријаси” фанида ўқиб ўрганган билимларига таянган ҳолда умумий назарий жиҳатларини айтиб беришиди. Лекин та-

лабаларга аниқ ва содда шаклда ҳисоблаш методикалари орқали, формуласалар ёрдамида батафсил тушунтирилди ҳамда назарий билимларини амалий ҳисоб-китоблар (йиллик статистик маълумотлар) асосида мустаҳкамланди.

Машғулот давомида тушунтирилган атама ва таянч сўзларни талабалар хотирасида мустаҳкамлаш ҳамда амалий кўнимкалар шакллантириш учун график органайзер лардан фойдаланилди (“Нилуфар гули” методи).

G	
D	
P	

N		
G	N	I
D	A	M
P	R	F
	R	

I		
M		
F		

Катакларда акс этган ҳар бир ҳарф ЯИМни ҳисоблаш усулларидағи маълум кўрсаткичларни ифодалайди. Жумладан, “G” – давлат харажатларини билдиради, “N” – соғ экспорт ҳажми, “R” – рента ва бошқа тўловлар ва ҳ.к. Талабалар ўз олдига қўйиган вазифани тўлиқ бажариб, машғулот якунида тўплаган баллари асосида баҳоланди.

Таълим жараёнида ўқитишни ташкил этишда мазкур таълим технологияларидан комплекс фойдаланиш (юқорида кўрсатиб ўтилган методлардан) таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Шу боис, ўқитиш жараёнида турли хил усуллардан биргаликда ва ўзаро ҳамжихатлиқда олиб бориш тавсия этилади.

ХУЛОСА. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гурӯҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчининг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишида катта имкониятларга эга.

Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчи (тыютор)лар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда талабаларнинг ёши, психологияк хусусиятлари, дунёқараши, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билим ва сезирллик (интуиция)га эга бўлишини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005 й.
- Беспалько О.В. Социальная педагогика: схемы, таблицы, комментарии (учеб.пособие). – М.: Центр учебной литературы, 2009. – 208 с. – ISBN 978-966-364-837-8.
- О`Шонесси Дж. Конкурентный маркетинг: Стратегический подход (пер. с анг.) – СПБ.: Питер, 2001. – 864 с. – ISBN 5-318-00030-4.
- Ишмухаммедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион технологиилар (методик қўлланма). – Тошкент-2014.
- Международный ежегодник по технологии образования и обучения, 1978/79. Лондон, Нью-Йорк, 1978г.
- Беспалько В.П. «Педагогика и прогрессивные технологии обучения» М.: Педагогика, 1995 г.
- Худойкулов Х.Ж. Педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. – Т.: Наврӯз, 2012 й.